

ЎЗБЕКИСТОН АГРОЭКИНЛАРИ МИЛЛИЙ ГЕНЕТИКА ХАЗИНАСИ

43 мингдан ортиқ ноёб намуналарни жамлаган



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Юртимизда қишлоқ хўжалиги экинлари генофондини сақлаш, бойитиш, ўрганиш ва ундан самарали фойдаланишда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази тасарруфидаги Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти муҳим ўрин тутди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 майдаги “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг Миллий генбанкни яратиш тўғрисида”ги қарори билан мазкур муассаса Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти сифатида қайта ташкил этилди.

Муассасада фаолияти давомидида илмий экспедициялар, интродукция ишлари, дунёдаги илмий ташкилотлар билан намуналар айирбошлаш йўллари орқали республикадаги ўсимликлар генетик ресурсларини тўплаш ва уларни мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш вазифасини бажариб келди. Эндиликда унинг зиммасига янги, янада масъулиятли ишлар юкланиши баробарида Қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари генбанкига “миллий” мақоми ҳам берилди.

— Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти Марказий Осиёдаги қишлоқ хўжалиги экинлари генофонди йиғилган йирик илмий муассаса ҳисобланади, — дейди институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Сафар Алиқулов. — Институтнинг 8 та бўлим, 3 та лабораторияси ҳамда Сурхондарё ва Андижон илмий-тажриба станцияларида қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари бўйича кенг кўламли илмий ва амалий ишлар олиб борилади. Бу ерда 102 хил қишлоқ хўжалиги экиннинг 43 мингдан зиёд жаҳон коллекция намунаси тўпланган. Вегетатив ҳолда кўпаявчи ва кўп йиллик мева-резавор экинлар ва узум, бошоқли ва дуккакли, сабзавот, полиз ҳамда мойли ва техник экинларнинг дунёвий коллекцияси институт ва унинг ҳудудий илмий тажриба станциясидаги дала генбанкларида ишончли сақланмоқда. Бу коллекциялар орасида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келтирилган ноёб, йўқолиб бораётган шакллар, қадимги маҳаллий навлар, маданий ўсимликларнинг ёввойи авлодлари намуналарини топиш мумкин.

Институт дунё давлатларидан узоқ йиллар давомидида мисқоллаб йиғиб келинган қишлоқ хўжалиги экинларининг коллекция намуналарини келажак авлодга тўла ўзгаришсиз етказишдек муҳим вазифани бажаради. Шу боис, бу ерда зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари уруғ генбанкада 63 турдаги қишлоқ хўжалик экиннинг 34557 та коллекция намунаси +4 даража ҳаво ҳарорати, 35 фоиз нисбий намликда сақланади. Айнан шу шароитда коллекция намуналарини экин турига қараб, қайта экмасдан, 4 йилдан 15-20 йилгача сақлаш мумкин.

Институт Миллий генбанкада эса 21969 тадан ортиқ дон ва дуккакли экиннинг нави ва намуналари тўпланган. Улар орасида маккажўхорининг 2947 та, соргонинг 936 та, африка таригининг 39 та ва оддий тарикнинг 55 та намунаси мавжуд. Ушбу ўсимликларнинг бой миллий генетик жамғармаси келгусида янги, истиқболли навларни яратиш ҳамда келажак авлод учун озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутди.

— Институтнинг жаҳон генофонди доимий тарзда турли хил қишлоқ хўжалиги экинларининг ёввойи турлари, давр талабига мос, истиқболли янги нави, тизим ва популяциялар билан бойитиб борилади, — дейди Сафар Алиқулов. — Бу борада бутун дунёдаги йирик ўсимликлар генофондини сақловчи ташкилотлар билан гермаплазма алмашилиш ишлари йўлга қўйилган. Экинларнинг маҳаллий навлари ва уларнинг ёввойи аجدодларини тўплаш, ўсимликлар генофондини ўрганиш ва сақлаш мақсадида республика ҳудудлари ва хорижий давлатларга мунтазам экспедициялар ташкил этилади.

Хориждан олиб келинадиган навлар орқали юртимизга турли карантин касаллик ва зараркундалар кириб келишининг олди олинади. Шу мақсадда институтнинг интродукцион-карантин кўчатзоридида чет давлатлардан интродукция қилинган бир йиллик қишлоқ хўжалиги экинлари намуналари фитопатологик, энтомологик текширувдан ўтказилиб, асосий хўжалик белгилари бўйича бирламчи баҳоланади. Текширувдан ўтказилган барча намуналар изланишлар учун топширилади.

Шунингдек, ўсимликлар генофондини сақлаш ва бойитиш мақсадида институт илмий ходимлари томонидан ҳар 4-5 йилда унвчанлиги паст бўлган намуналарни тажриба далагарига қайта экиш йўли билан кўпайтириш ишлари ҳам кенг йўлга қўйилган. Жорий йилда дала экинлари генетик ресурслари бўлими томонидан маккажўхорининг 179 та, оқ жўхорининг 46 та, африка тарик ўсимлигининг 29 та намунаси қайта тиклаш ва кўпайтириш учун дала тажриба майдонларига экилди. Бу ерда уруғларнинг фақатгина унвчанлигини қайта тиклаш билан кифояланмасдан, ҳозирги глобал иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, бирламчи манбалар ажратиш олиш, республиканинг тупроқ иқлим шароитларига мос бўлган ноанъанавий экинларни жорий қилиш ҳамда асосий хўжалик белгилари бўйича донорларни танлаб олиб, селекция масканларига узатиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсвучи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида ташкил этилаётган доривор ўсимликлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехникаси бўлими фаолиятида ҳам бу ишларни жадал давом эттириш кўзда тутилган.

— Янги ўсимлик навларини яратиш устида

тинимсиз изланиш олиб бораётган олимларимиз институт генофондини бойитишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди Сафар Алиқулов. — Хусусан, республикамиздаги селекциячи олимлар томонидан ушбу генофонд намуналари асосида сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 250 дан ортиқ нави ва дурагайи яратилган. Улардан 67 таси давлат реестрига киритилган. 2016-2019 йилларда Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан интеллектуал мулк объектиларига 3 та маҳаллий патент, 19 та нави гувоҳномаси олинди. Шулардан помидорнинг “Ютуқ”, “Рубин черри”, “Кўркам”, “Фазилат черри”, бақлажонинг “Тухфа”, Паризод”, мошнинг “Осиё”, “Замин”, “Барака”, қовоқнинг “Баҳодир” ҳамда бататнинг “Асал” навлари давлат реестрига киритилди. Айниқса, мошнинг “Барқарор” нави Тошкент вилоятида етиштириш учун истиқболли сифатида баҳоланди.

Мевали экинлардан олхўрининг “Ярхи”, “Майсара”, “Мухтор”, “Ҳосилот”, шафтолининг “Гулноз”, “Ютуқ”, “Чимён” каби 50 дан ортиқ нави яратилиб, ҳудудларда районлаштирилди.

Айни пайтда Давлат нави синаш комиссиясига буғдойнинг “Нурафшон”, “Барқарор”, “Обод” навлари, узумнинг “Гран-Нуар”, “Тентюре”, “Шардоне” ва “Савиньон” навлари тақдим қилинган. Интеллектуал мулк агентлигига эса қовоқнинг “Баҳодир”, мошнинг “Осиё”, “Замин”, “Барака” ва “Барқарор” навларига патент олиш учун аризалар топширилган.

Институт олимлари хориждан келтирилган ўсимлик ва экин навларини юртимиз иқлим шароитига мослаштиришда ҳам сезиларли натижаларга эришмоқда. Хусусан, улар томонидан республикамиз учун ноанъанавий экинлардан стевия, топинамбур, дайкон, сарсабил ловияси, сабзавот сояси ва мошнинг янги навлари яратилди. Бу йўналишдаги изланишларни халқаро илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда янада жадал давом эттириш режалаштирилган.

Илмий-тадқиқот ишлари асосида янги навларни яратишда тажрибали олимлар қатори ёш мутахассисларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда ана шундай илгор, шижоатли ёш ходимлар иштирокида дон ва дуккакли экинлар ҳамда сабзавот, полиз экинларининг 10 дан ортиқ нави яратилиб, Давлат нави сино комиссиясига топширилди. Бир қанча ёш олимлар Инновация ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган танловлар асосида хорижий давлатларда илмий малака ошириб қайтди. Ҳозир ёш кадрларнинг илмий салоҳиятини янада ошириш, соҳада дунё тажрибасини ўрганиб, амалиётда қўллашга кенг йўл очиш мақсадида институт қошида хорижий тилларни ўрганиш курслари ташкил этилган.

Умуман, бугун институт фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳар бир ходим зиммасига янада катта масъулият юклайди. Хусусан, юқоридаги қарор билан Миллий генбанкдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва селекциясида самарали фойдаланиш, уруғларни ўрта ва узоқ муддатга кафолатли сақланишини таъминлаш мақсадида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) комиссияси томонидан ўсимликлар генетик ресурслари генбанклари учун ишлаб чиқилган халқаро стандартларга тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш белгиланган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари генофондини бойитиш, экин турлари систематикаси (қардошлик муносабатлари) ва филогенияси (организмларнинг ривожланиш жараёни) бўйича илмий изланишлар олиб бориш, селекция учун бирламчи материалларни танлаш самарадорлигини ошириш бўйича илмий экспедициялар уюштириш каби вазифалар янада фаолроқ бўлишни талаб этади.

Қарор асосида халқаро молия институтларининг имтиёзли ресурслари ва грант маблағларини жалб этиш ҳисобидан янги Миллий генбанк биноси қурилади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланадиган яратиладиган ўсимлик нави ва намуналари эса Миллий генофонд бойлигига айланиб, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



Институт Миллий генбанкада эса 21969 тадан ортиқ дон ва дуккакли экиннинг нави ва намуналари тўпланган. Улар орасида маккажўхорининг 2947 та, соргонинг 936 та, африка таригининг 39 та ва оддий тарикнинг 55 та намунаси мавжуд. Ушбу ўсимликларнинг бой миллий генетик жамғармаси келгусида янги, истиқболли навларни яратиш ҳамда келажак авлод учун озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутди.